

Жаннатдан умидимиз борми риёдан огоҳ бўлайлик!



09:20 / 20.08.2019 2581

«Риё» сўзи кўриш маъносини англатади. Шариатда эса Аллоҳ учун эмас, хўжакўрсинга амал қилиш «риё» дейилади.

Аллоҳ жалла шаънуҳу:

«Ким Роббига рўбарў бўлишни умид қилса, солиҳ амал қилсин ва Робби ибодатига биронтани шерик қилмасин», деган (*Каҳф Сураси, 110-оят*).

Шарҳ: Ушбу ояти карима риёкорликни ман қилиш маъносини ўзида мужассам этган. Қиёматдан умиди бор, ўша кунда Аллоҳ таолога хурсанд ҳолда рўбарў бўлишни орзу қилган одам холис Аллоҳ учун, Унга ҳеч кимни шерик келтирмай ибодат қилсин, деганда «риё қилмасин» деган маъно

ётади.

89. Жундуб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким эшиттирса, Аллоҳ уни эшиттиради, ким кўрсатса, Аллоҳ уни кўрсатади», деганлар.

Икки Шайх ва Термизий ривоят ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифни Жундуб розияллоху анху ривоят қилмоқдалар. Аввал у киши билан танишиб олайлик:

Самура ибн Жундуб ибн **Ҳиллол** ал-Фазорийнинг кунялари Абу Сулаймон. У киши Басрада таваллуд топдилар. Оталари вафот этгандан кейин оналари билан Мадинага келдилар ва оналари Мураайи ибн Синон исмли саҳобага турмушга чиқдилар.

Мадинада катта бўлиб, улғайдилар ва яна Басрага кўчиб ўтдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан бир нечта ҳадислар ривоят қилдилар. Бу кишидан Шаъбий, Ибн Абу Лайло, Али ибн Робийъа, Абдуллоҳ ибн Робийъа, Абдуллоҳ ибн Бурайда, Ҳасан Басрий, Ибн Сийрийн, Ибн Шахир, Абу Аъло, Абу Ражо ва бошқалар ривоят қилганлар. Бу зот ривоят қилган ҳадислардан учта «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар. Ибн Сийрийн «Самура ибн Жундуб илм бобида жуда ҳам ўткир эдилар», деб айтадилар.

Жундуб розияллоху анху ҳижратнинг 60-санасида Басрада вафот топдилар.

Ушбу ҳадиси шарифда биров эшитиши ёки кўриши учун қилинган амал яхши эмаслиги баён қилинганлиги учун муаллиф раҳматуллоҳи алайҳи уни шу жойда келтирганлар.

Ҳадисдаги **«Ким эшиттирса»** дейилган жумла «Кимки амалини одамларга эшиттириб, гап-сўз учун қилса, бу амали ҳақида одамлар шов-шув билан уни мақташини хоҳлаган бўлса» деган маънони билдиради.

«Аллоҳ уни эшиттиради» деган жумладан эса «Қиёматда Аллоҳ таоло унинг бу қилмишини халойиққа эшиттириб, шарманда қилади» деган маъно келиб чиқади.

Шунингдек, «**ким кўрсатса**» дегани ҳам «Ким одамлар кўришлари учун амал қилган бўлса» деганидир. Бу одамни ҳам Аллоҳ таоло қиёмат куни халойиққа кўрсатиб, шарманда қилади.

Ушбу ҳадиси шарифда риёкорликнинг қанчалик ёмон нарса эканлиги қисқа иборалар билан баён этилмоқда.

Ундан оладиган фойдамиз ҳам очиқ-ойдин: одамлар эшитишлари ёки кўришлари учун эмас, балки Аллоҳ билиши учун амал қилмоқ зарурлиги!

Аmmo бу ҳадисни бугунги ҳаётимиз воқелигига таққослаб кўрадиган бўлсак, тамоман тескари бир ҳолатни кўриб, афсусланамиз.

Қадимда ушбу ҳадисга ва шу маънодаги бошқа ҳадисларга амал қилган ота-боболаримиз ҳар бир ишларини Аллоҳнинг розилиги учунгина қилганлар. Улар солиҳ амалларини бошқа одамлардан иложи борича сир тутишга уринганлар.

Ҳозирда эса арзимаган нарсани ҳам ҳали амалга оширмай туриб, ҳар томонга жар солиш бошланади. Ҳар бир қилинмоқчи бўлган иш ҳақида худди бажарилгандек гапирилади. Мабодо ўша иш қилинадиган бўлиб қолса ҳам, хўжакўрсин учун бажарилади. У амалга ошганидан кейин эса йиллар давомида гапириб, мақтаниб юрилади.

Бундан ортиқ риёкорлик бўлиши мумкинми?

Ҳар бир мусулмон бундай риёкорликлардан ўзини сақлаши лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан